

Таниқли журналист Абдумутал Абдуллаев истеъдодли ёзувчи ҳам. У публицист сифатида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Халқаро “Олтин қалам” мукофоти соҳиби, “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Ўтқир қалам” сингари қатор кўрик-танловлар ғолиби, дея эътироф этилган бўлса, адиб сифатида “Муҳаббатдан сўз очма менга”, “Сийратга сайр”, “Дунёнинг калити”, “Алушта эртаги”, “Ишққа даво йўқ”, “Дард”, “Умрки бир синоат”, “Альфонс”, “Ҳаждаги ҳаётим”, “Қубайс тоғидаги нидо”, “Қақнус”, “Йигит йўғламасин”, “Муҳаббат мактуби” сингари китоблари билан ўқувчилар қалбига йўл топа олган.

Айни кунларда етмиш ёшлик довондан ошган ижодкор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Андижон вилояти бўйича минтақавий вакили, “Hamkor Press” газетасининг бош муҳаррири, республика “Маҳалла” газетасининг Андижон вилояти бўйича муҳбири вазибаларида ғайрат билан ишламоқда.

Ҳурматли муштарий, ушбу сонда ёзувчининг “Дуосиз дастурхон” ҳикоясини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилишга жазм этдик.

ТАҲРИРИЯТ

## ДУОСИЗ ДАСТУРХОН



Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

Ҳожиакбар амаки оёқ тираб туриб олди. Кампири ундан баттар қайсарлик қилди. Чол-кампирининг можароси устига тўнғич фарзанд Яҳёбек кириб келди. У воқеадан хабардор эди. шу боис дарров онасининг ёнини олди. Аммо отахон сира ортга чекинмасди.

– Тошкент узоқ, чарчаб қоламан. Қолаверса, ёшларнинг базми жамшидини дилим суймайди. Яхшиси, анави қора қўчқорни сотиб, пулини белингга боғлаб, амакининг кўнглини хушлаб кел.

Яҳёбек отасининг соддадиллигига яна бир бор тан берди.

– Ота, Шавкат амаким сизнинг кенжа укангиз. Эртага элик ёшга киради, юбилей ўтказяпти. Биласиз, катта одам. Қишлоқдан битта сизни йўқлабди. «Дастурхонга дуоғўй одам керак», деб алоҳида ўқтирибди. Телефонда ўзизга ҳам тушунтиргандир, ахир...

– Болам, – Ҳожиакбар амаки ўғлига ялинчоқлик билан нигоҳ ташлади, – ҳамма гапинг рост. Аммо сира оёғим тортмаяпти. шу маросим дегани уйда бўлгучи эди, ошхонада нима бор?..

– Ошхона эмас, ресторан, – уни тўғрилади ўғил. – Кексайган чоғингиз бир мазза қилиб оласиз.

– Бир ўзим адашиб қолсам-чи? – хиёл бўшаши қария.

– Нега бир ўзиз экан. Нариги маҳалладан Мадаминбой ҳам чақирилибди. «Жиянларим овора бўлишмасин, акамни ўзиз опкелинг», деб тайинлабди. Хуллас, эртага Худо хоҳласа, хон тахлит яйраб, ўйнаб-кулиб қайтасиз.

Ҳожиакбар амаки ҳажга боролмаган. Тўрт ўғил, икки қизни уйлаб-жойлагани ҳаж ибодатидан ортиб тушди. Аммо эътиқоди баланд, покдомон инсон.

Маҳаллада обрўси яхши. Ўтган йили шу Мадаминбой бир тугун пул кўтариб келибди.

– Отахон, укангиз Шавкатбек Тўрабоевич мени кўллаб турибди. Бир ой илгари озгина имоси туфайли тумандаги кинохонани сотиб олдим. Мана шу пулни сизга атаганман, бир ҳаж қилиб...

Ҳожиакбар амакининг кўзлари порлаб, энтикди. У бойнинг йўғон, сержун билагидан маҳкам ушлади.

– Укам, жигарбандим шундай дедими, сизга тайинладими?

Мадаминбой шу ерда соддадиллик қилдими ёки оқсоқолни алдашга кўнгли чопмадими, ҳар қалай тўғрисини айтди.

– Шавкат Тўрабоевич катта одам. Тил келиб айтмади-ю, ўзим ўйлаб қолдим-да.

Оқсоқолнинг хафсаласи пир бўлди. У бир қориндан талашиб тушган укасидан шундай марҳамат кутганди. Минг қилсаям у қаддини ростлагунча озмунча азият чекдими?.. Тўғри, бошқа иниларининг ҳам бошини силади, лекин кенжатоғини худди тўнғич фарзандай кўрди, оғзидан чиққанини муҳайё қилди. У эса... Мана. Беш-олти йилдан буён пойтахтдан бери келолмайди. Йилига бир-икки телефон қилиб ҳолаҳвол сўрайди. Тўй-тўркинларга хушласа, танноз хотини-ю, эрка қизларини жўнатади, хушламаса «Чет элда юрибман, боролмайман», деб осонгина қутулиб қўя қолади. Унинг бемехрлигини нафақат қонқариндош, мана шу қишлоқ одамлари ҳам билишади. Билишади-ю, лекин отахоннинг ранжишидан кўрқиб, «миқ» этиб оғиз очишмайди. Мабодо биронтасининг иши тушса ҳам, унга мурожаат қилишдан кўра, нотаниш амалдор ҳузурига чопишади.

Нуроний фақат укаси туфайли юзи шувут. Бора-бора маҳалладагилар ҳам уни унутиб юборишди. Кимдир «Шавкатбек яна кўтарилибдими ёки Шавкатбек данғиллама уй қураётганмиш» деб гап очса, бошқалар бир қатор «Қайси Шавкат?» деб сўрашади, кимлигини билишгач, «Ҳа, уми?», деб елка қисади.

Мана шу туғилиб ўсган жойидан тириклигидаёқ айрилган одам эллик ёшга кириб қолибди. Эллик ёшда беш мисқол кадр топмай, бегона юртда кадр тўйи бошлабди. Агар шу депарадан Мадаминбойни таклиф қилмаганида, эҳтимол акаси ёдига тушмасмиди...

Ҳожиакбар амаки азбаройи укасининг ҳурматидан эмас, балки уни соғинганлиги, кексайган чоғда дийдор ташналигига тоб бериш оғир келишини пайқаганлиги учун сафарга розилик билдирганди.

Мадаминбой хийла инсофли йигит эди. У аслида бой-бадавлат, мансабдор укадан ҳам кўра, акасининг иззат-ҳурматини жойига қўярди, гапини икки қилмасди. Ака ва ука гўё мағриб билан машриқни эслатарди. Ака камгап, хокисор, кўнгилчан, ука серсухан, виқорли, кўрс эди. Амакининг дунёси бой, Шавкат эса очкўз, дунёни ямламай ютса ҳам, очлиги, ташналиги қонмайдиганлардан. Топган бисоти яримянгангоч юрадиган қизларга қоладими? Кошки қишлоқда қийналиб юрган жиянларига қиё боқса. Йўқ, боқмайди, боқса ўлади, бойлиги камайишидан, бисотига кўз тегишидан жон талвасасига тушади.

...Ресторан деганлари эртақлардаги қасрнинг ўзига ўхшайди. Биринчи қавати бамисоли ўйингоҳ, иккинчи қавати эса ундан-да кенг, мухташам, ёруғ.

Зинадан кўтарилишингиз билан ҳов ичкарида, саҳнага ўхшаш жойда полдан шифтигача жажжи чироқлар лип-лип ёниб турибди. Ўртадаги йўлак очиқ. Икки томонга салобатли стол-стуллар тартиб билан териб қўйилган. Дастурхондаги ноз-неъматларнинг аксарияти амаки учун анқонинг уруғидай нотаниш. Яна кумушранг, оғир қошиқ ва санчқилар, дастаси қалин, гулли пичоқларни айтмайсизми?!..

Ҳар бир столнинг рақами бор. Ўртада югургилаб юрган тепакал, озгин киши қўлидаги рўйхатга қараб одамларни жойлаяпти. Гўё меҳмонлар зиёфатга эмас, томошага ташриф буюришгандай.

Меҳмон бу мухташам кошонадаги нақ бир тонналик зумрад қандилга ҳайрат ила тикилди. Унинг ёқут кўзларидан камалак рангида таралаётган ёғдулар зални янада чароғон ва файзли этганди.

Тўридаги мусиқа асбоблари ҳам антиқа, алламбало. Уларнинг соҳиблари четроқдаги стол атрофида гурунқ қуришган, аммо каттакон карнайлардан чет эл оҳанглари янграяпти.

Шу пайт зинадан салобат ила кўтарилаётган одам амакига узоқдан кўз ташлаб, баҳайбат ҳарир парда ортига тезгина ўтиб кетди. Унинг виқорли одими, чакноқ кўзлари Шавкатбекка ўхшади. Наҳотки, укаси уни сезмади ёки танимадимикан? Ўлибди, бир ярим-

икки йилда танимайдиган даражада ўзгармагандир. Ўша сўнги бор учрашганларида «Соқолга бало борми?», деб койиганди. Укасининг сазаси синмасин, деб уни ортиқча ўстирмаяпти. Бутунлай олдириб юборгиси ҳам йўқ, уят бўлади. Қишлоқда олтмиш ёшдан кейин ҳам иягини силлиқ қилиб юриш кексалик одобига мос тушмайди. Аммо буни шаҳарликлар қайдан билишсин?!

– Зерикмаяпсизми, отахон? – Бу Мадаминбой эди. – Айтмоқчи, Шавкат акамларга айтиб эдим, кўришдингларми?

Ҳожиакбар амаки бош чайқади. Аини шу паллада парда ортидан укаси чиқиб келди. У кучоғини очиб, акасини бағрига тортди. Ҳайҳот, икки йиллик ташналик, соғинч азоби бу висолдан юпанч топмади. Укасининг юз ифодаси-ю, хатти-ҳаракатларида меҳрдан кўра расмиятчилик устунроққа ўхшади. Аканинг изтиробли туйғулари жунбушга келди, лекин ўзини тезда қўлга олди.

– Келиб мени қувонтирдингиз, ака. Тўғриси, йўл узоқлиги учун ўзим айтмагандим. Яхши Мадаминбой эслилик қилибди. Тошкентда қанчалик кадр топганимни, ёр-оғайниларимни кўриб, бошингиз осмонга етар... Ҳарҳолда акамсиз.

Ҳожиакбар амакининг ичида нимадир «чирт» этиб узилди: «Ёпирай, бунча сохатагарчилик, ҳавойи гапларнинг нима кераги бор экан»...

– Сизларни яхши жойга ўтиргизишади, охирида ўзингиз дуо қилиб берасиз... Хўп, энди мен меҳмонларни кутиб олай. Ҳа, айтмоқчи, Мадаминбой, меҳмонхонага телефон қилиб қўйишади, бемалол бораверасизлар. Уйда одам кўп, акам уриниб қолмасин.

У бояги назокату ўктам юриш билан кенг йўлак зинасидан пастга тушиб кетди. Бу муомаладан ўзини йўқотган ака Мадаминнинг таклифига кўниб адашганлигини, аслида, кутилмаган меҳмон эканлигини сезиб, ҳижолат тортди. Аммо бўлар иш бўлган эди.

Дафъатан қалам каби нозик қизлар югуриб келиб унга осилди.

– Вой, амаки, ўзизми? Мунча қариб кетдиз, соқолиз нимаси, худди чолларга ўхшаб.

Наргиза билан Нигора худди ташқи суврати каби олачипор сўзларни ёғдиришиб кўришган бўлдилар-у, яна ер ютгандай бир зумда кўздан қочдилар.

Бир соатлар чамаси вақт ичида кенг зал турфа кишилар, хотин-халажларга тўлди.

Даврани ёши етмишдан ошган, аммо кексаликни ор деб тушунадиган, қилиқлари бачкана домла баландпарвоз мадҳ билан очди. Биринчи столда сокин ўтирган валломатларнинг валломатига сўз берилгач, у ёнидаги икки азамат қуршовида микрофонга яқинлашди. Афтидан нотик катта амалдор, шекилли, укаси кўзларини бегуноҳ боладай жавдиратиб, ҳар бир сўзнинг ҳар бир ҳарфини қази чайнагандай мароқ

билан тинглашга уринарди. Оқсоқол кейин фаҳмлади, фақат тўйбоши эмас, бошқалар ҳам сомеълик ролини маҳорат билан ижро этишаётгандай туюлди. Аввалроқ отиб олган бақалок, хомсемиз киши йўғон бўйинини ваъзхон тарафга чираниб юриб буриб, «Браво» деб ҳайқирди. Бутун зал унга ўқрайиб, тикилганида «қовун туширгани»ни фаҳмлаб, гўёки стол остига сингиб кетгудай даражада мулзам тортди.

Яхшики, одатдаги зар чопон кийдириш маросимидан сўнг ўйин бошланиб, ўртадаги ноқулай вазият барҳам топди.

Кейин ҳамд-сано, хушомад, тилёғламалик пойгаси бошланди.

Амаки бу мақтовлардан кейин дастлаб шундай жигарбандидан гина қилиб юрганига мулзам тортган эди. Кейинчалик бу одатдаги сўз исрофи эканлигини англагач, баттар юраги сиқилди. Ажабки, унинг дили ғашлангани сари давра қизиб борар, аввалида жиддийликни қўлдан бермай, салобат тўкиб ўтирган одамлар бирпасда асл қиёфасига киришиб, кичрайиб, бозордаги олиб сотарлардан фарқи қолмагандай алпозга тушишганди.

Ичкиликбозлик авжга чиқди. Ўртага чиқиб ўйнайдиганлар сафи кенгайди. Эркаклар буралиб, лапанглаб, калта юбка, тор шим кийган, бели ва бўйни ярим-яланғоч аёллар қилпиллаб жон талвасасида ер тепишарди. Бақирик-чақирик авжга чиқди. Ким кимнинг хотинини билагидан тортиб, белидан ушлаб ўйинга тортаётганини билиб бўлмасди. Анави оқ юзли, қора костюм-юбкадаги дўмбоқ аёл тинимсиз айланиб, кишиларга муқом қияпти. Ундан сал нарида қизил либосдаги, сочи ёзилган, хипча бел жувон нозу карашмаси билан атрофидагиларнинг эс-хушини ўғирламоқчи.

Бирдан зал тинчиди, деразаларни зирқиратган мусиқанинг уни ўчди.

– Азиз меҳмонлар, сўз бугунги тантананинг бош «айбдори» Шавкат Тўрабоевичга берилади.

Укаси қалин, дўрдоқ лабларини қимтиб, ўртага чиқиб келаркан, шу топда ўзини ёруғ дунёдаги ягона бахтиёр одам деб билаётгани масрур ва мағрур қиёфасидан билиниб турибди, У ҳали қўлига микрофон ушлагунча ёнбошига ранги заҳил, лаблари юпка, гапирмаса ҳам оғзи очилиб, тилла тишлари шуъласи кўзга ташланадиган Манзурахон етиб келди. Залда қарсақ янгради. Нега, отахон бунисини тушунолмади.

– Мен етимлик нималигини биламан, – кутилмаганда давра руҳига номуносиб нутқ ирод қилди ука, – етимликнинг нонини ейиш учун темирдан тиш керак. Аммо, тақдиримдан нолимайман, чунки...

Ака ўзининг хизматлари тилга олиншини истамагандай, кўзларини яширди. Ҳа, нима қипти, унинг ўрнида бошқа ака ҳам худди шундай қиларди-да. Ака вақти келса ота эмасми? Шунинг учун ҳам машо-йиҳлар «Аканики ҳиммат, уканики миннат», дейдилар-

да.

Шавкат Тўрабоевич афтидан бир кўнглини ёзмоқчи эди. У ўша ҳазин товушда сўзида давом этди:

– ... Чунки атрофимда Манзурабегимдай оқила, вафодор ёрим, меҳрибон қизларим, сизлардай дилкаш дўстларим бўлгач, етимлик чикора.

Ҳожиакбар амакининг томоғига муштдай нарса туриб, нафаси қисилди.

«Сен аблах, онангнинг қорнидан уйланиб туғилганмидинг», дейишни жуда-жуда хоҳлади. Бироқ овози чиқмади. Кейин у ёғи билан иши бўлмай қолди.

Унинг ҳозирги ҳолатини фақат ҳамқишлоғи Мадаминбой тушунди. У ёнига келиб бир оғиз сўз қотди:

– Амаки, мени кечиринг!

Ҳожиакбар ота уни кечирди. Ахир бечорада нима гуноҳ? Қайтанга яхши эмасми, ёруғ дунёда ҳам дўзахнинг бир кўриниши ҳақида тасаввурга эга бўлди.

Ўтириш охирлаб боргани сайин маст-аластларнинг бир қисми хайр-маъзурсиз, кимларнингдир елкасига суяниб, хумдай бошларини осилтириб жуфтакни ростлаб қолишар, бошқа қисми ҳатто ўзларини-да танимай, оғиз-бурун ўпишарди. Аёллар-ку, майли, эркаклар ҳам бир-бирларини ялаб-юлкашлари куракда турмайдиган ҳолат эди.

Амаки таниқли амалдор кучоғида тўлғониб ўйнаётган келини ва уларга завқ-шавқ билан тикилиб олқиш-лаётган укасини кўриб, бошини чангаллади. Энди бу манзарага тоқат қилиш қийин эди. У ёғоч тўсиқ ортидан пастга қараб, Мадаминбойни қидирди. У қайсидир бурчакда уч-тўрт олифта билан қадах бўшатарди.

Отахон оҳиста ташқарига чиқди. Илк кўклам ҳавоси баданига тетиклик бағишлади. Эртароқ қўзғалмаганига ачинди. Ажиб ҳол, шунча дастурхон кимлар учун ёзилди? Нега бирон кимса қўлларини очиб, дуо қилишга эҳтиёж сезмади? Нега одамлар бунчалар кирлашиб, худбинлашиб кетдилар. Ахир, даврада айтилган сон-саноксиз чирпойли сўз, гўзал ташбех, дабдабали мақтовлардан лоақал битта, атиги бир дона самимий ибора топиш мумкинмикан? Мана шу ширин алдов ва мақтов, хушомад ва тилёғламалик наҳотки ўтирганлардан биронтасини ажаблантирмаса?! Наҳотки ҳаёт шу қадар риёга бурканиб кетган бўлса?!.. Салкам уч юз кишилик дастурхон ёзилса-ю, юртга тинчлик, хонадонга ҳидоят, мўминларга инсоф ва имон тилагувчи зот топилмаса... Нега энди, ахир ўзи бор эди-ку. Ҳа, ўзи бор эди, аммо дуога, эзгу тилакка эҳтиёж йўқ эди.

Ҳожиакбар амаки беихтиёр ҳозиргина ўзи чиққан қасрга ўғирилди. Энди у дастлабки кўркини йўқотган, аксинча, олов ичидаги кулбага ўхшаб қолган эди...